

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БЎЎНИ

Концепциянинг қоидалари-дан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунлари ушбу соҳадаги қонунчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунга кўра, маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари қоида маҳаллий кенгашлар депутатлари, ННТ вакиллари, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни чуқурлаштиришга қўмаклашишга масъул бўлган давлат органлари ходимларидан жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш, уларнинг жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш кўзда тутилди.

Юқоридаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ННТларни тузиш ва фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий тамойиллари янада такомиллаштирилди. Қабул қилинаётган қонунлар ҳамда яратилаётган имкониятлар ННТларни янада кўпайтириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди. Агар 1991 йил 1 январь ҳолатига юртимизда ННТлар 95 та бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8400 тадан ошди.

Шу ўринда Тошкент вилоятида республикадаги энг

кўп ННТлар фаолият юритаётгани ва улар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан йилдан-йилга ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоят адлия бошқармаси маълумотига кўра, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Тошкент вилоятида 725 та нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг 418 таси вилоят адлия бошқармасининг давлат рўйхатидан, қолган 307 таси адлия органларининг ҳисоб рўйхатидан ўтказилган.

Шу билан бирга уларнинг аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофазалаш, миллий аҳнава ва урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда бойитиш, хайрия тadbирларини жонлан-тириш каби Давлат дастурлари ижросидаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2015 йил – "Кексаларни ёзозлаш йили" Тошкент вилоятида Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга вилоятнинг 40 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари жалб этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу соҳани янада ривожлантиришдан манфаатдор вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу ННТларнинг фаолият доираси янада кенгайиши ва турли ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги роли кучайишига замин яратади.

МУҲОЙЁ ОДИЛҚОРИЕВА,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси катта мутахассиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг Тошкент вилояти ички ишлар идораларидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЭЪТИБОРДА

Тadbирда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими қонун асосида ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилгани бу борадаги ишлар самарасини ошираётди. Тошкент вилояти ички ишлар идоралари тизимида қонун ижроси изчил таъминланмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарийб олти ярим мингга яқин тақдимнома киритилган.

– Вилоятимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Шав-

ратлари тизимида қонун ижроси изчил таъминланмоқда. Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарийб олти ярим мингга яқин тақдимнома киритилган.

– Вилоятимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Шав-



Ў.А.

У тижорат банки ажратган 150 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига эски, ташландиқ бинони таъмирлаб, янги тикув цехини ташкил этди. Хитойдан 32 та замонавий тикув машинаси ва бошқа ускуналар олиб келиб ўрнатди. Қарабиски, бинойидек ишлаб чиқариш корхонаси пайдо бўлди. Бу ерда эркак, аёл ва болалар костюм-шымлари, мактаб формалари, корхоналар учун махсус коржомалар каби 30 хил кийимлар тикила бошлади.

Бир ойда 12 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараётган 25

ТАДБИРКОР АЁЛНИНГ ИЛК ЭКСПОРТИ

кишилик жамоанинг 12 нафари ёшлардан иборат. Тўғри, маҳсулотлар савдо-сотиғи, ишчиларга ўз вақтида маошларини етказиб бериш осон иш эмас. Лекин, Шохиста бунинг уddасидан чиқишга ҳаракат қилапти. Интернет орқали

Қозоғистон, Россия давлатлари билан алоқа ўрнатиб, маҳсулотларни экспортга йўналтира бошлади.

Шогирдликдан уста даражасига кўтарилган чеварлар энди фаолиятни янада кенгайтириш тақлифи билан чиқмоқда. 2017 йилда шаҳарда яна бир

тўқув цехини очиш режалаштирилган бўлиб, унда маҳаллий аҳолига яхши таниш бўлган ангор эчкилари жундан рўмол ва шарфлар тўқиш йўлга қўйилди. Натижада, яна 20 та янги иш ўринлари яратилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошланғич 1-бетда.

◀ Бошланғич 1-бетда.

ХАЛҚАРО ЎЗБЕК ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК ЯРМАРКАСИ ЧОРЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг биринчи ярмарка иштирокчиларига йўллаган табригида шундай дейилган эди: "Ишончли қилиш, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келаётган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади".

Шу пайтгача бўлиб ўтган ярмаркалар тарихига назар ташласак, бу режаларнинг барчасига эришилгани аён бўлади. Ярмарка жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларни жалб қилмоқда. Пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича бозор механизmlарини янада ривожлантириш, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари ҳамда уларнинг хорижлик ҳамкорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг асосий тadbирлари "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазмалар залида ўтказилади. Ярмарка доирасидаги конференциялар ҳамда мулоқотларда жаҳон пахта ва тўқимачилик бозорининг етакчи вакиллари томонидан Ўзбекистон ва дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш, савдо ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш каби кўплаб

масалалар муҳокама қилиниши ва ўзаро манфаатли шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Биринчи ярмаркага жаҳоннинг 30 давлатидан 170 компания ва фирма вакиллари ташриф буюрган бўлса, бу йил 45 дан ортиқ мамлакатнинг икки мингга яқин вакили келиши кутилмоқда.

Ўзбекистон халқаро бозорда нафақат юқори сифатли саноатбоп пахта толаси етиштирувчи мамлакат, балки уни кафолатли етказиб беришчи ишончли ҳамкор сифатида ҳам танилган. "Ўзпахтасаноатэкспорт" ҳолдинг компаниясидан маълум қилишларича, тизимдаги пахта тозалаш корхоналари изчил модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқаришга инновациялар ишлан-малар кенг татбиқ этилмоқда. Бунда пахта хом ашёсини қабул қилишдан бошлаб, уни қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган барча жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида электрон ҳисобот ва назорат тизимини яратиш ва жорий қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бир қатор пахта тозалаш заводларида модернизациялаш лойиҳалари муваффақиятли ба-жарилди, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватларини кескин ошириш, тола сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Заминимизда етиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш тизимда олиб борилаётган иш-хотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадга соҳага чет эл инвестициялари жалб этилиб, ҳар йили кўплаб замонавий корхоналар барпо қилинмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон етиштирилган пахтанинг 44 фоизини қайта ишлаш қувватларига эга.

Ҳозир кўплаб енгил саноат корхоналари "Ўзбекенгилсаноат" акция-дорлик компанияси тизимида бирлашган. Уларда ишлаб чиқарилаётган турфа хилдаги тайёр кийим-кечаклар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан дунёнинг 45 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бу жараёнда Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим бозор вазифасини ўтаётди. Соҳани янада ривожлантириш мақсадида 2015-2020 йилларда модернизация ишларини бажариш учун 1 миллиард доллар маблағ ажратилмоқда.

Жаҳоннинг тўқимачилик ва енгил саноати тараққий этган давлатлари вакиллари 12-13 октябрь кунлари Тошкентда яна жам бўлади. Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси пахта толасини экспорт қилишининг бозор механизmlарини ривожлантириш, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари ва хорижлик ҳамкорлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
Ў.А. мухбири.

◀ Бошланғич 1-бетда.

Танлов

Қизлар ота-онасининг, маҳалласининг юзи, обрўси, қолаверса, жамиятнинг таянчи. Зеро, мамлакатимизда ёшлар, хусусан, қизлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

МАҲАЛЛАНИНГ ОРАСТА ҚИЗЛАРИ

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан юртимиздаги ўқув муассасалари қошида ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғараклари айнан шу мақсадга қаратилган. Бу тўғаракларда маънавий-маърифий, тиббий, экологик маданият, оилавий, миллий-маънавий қадриятларни шакллантириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмушнинг олдини олиш ва, энг муҳими, 12 йиллик узлуksиз таълимнинг афзал-ликлари ҳақида кенг тушуналар бериб берилмоқда. "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танловлари эса шу сабаб-харажатлар самараси ўлароқ, муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг шаҳар, туман, шунингдек, ҳудудий босқичларида умумтаълим мактабларининг 250 мингдан ортиқ 8-, 9-синф ўқувчилари, академик лицей ва коллеж ёшлари иштирок этди.

Республика Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хо-

тин-қизлар кўмитаси мута-садди ташкилотлар ҳам-корлигида "12 йиллик маж-бурий таълим – менинг са-одатим учун" шiori ос-тида "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-тан-ловининг республика бос-қичи ўтказилди. Унда Қо-рақалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қизларидан иборат 14 жамоа иштирок этди. Уларнинг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дас-тури, ёшларга оид давлат сиёсати, хотин-қизлар, бо-лалар спортини ривожлан-тириш борасидаги гамхўр-ликлар моҳияти ҳақидаги билимлари синондан ўт-казилди.

Ҳар бир жамоа одам савдоси, ҳуқуқий-тиббий маданият, эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, оммавий маданият-га қарши миллий мадания-т, экологик тарбия, оила-вий одоб-ахлоқ тамойил-лари каби қатор мавзулар-ни видеолавҳалар ва саҳ-на кўринишлари, мушоира тарзида намойиш этишди.

Ораста қизларнинг ҳар бир чиқишлари, ҳушбичим, замонавий миллий либос-лари, билим савияси, лаё-қати томошабинларда кат-та таассурот қолдирди. Ҳар бир жамоа алоҳида номинациялар бўйича го-либ деб топилиб, серти-фикат ва эсдалик совгала-ри билан тақдирланишди.

– Бугунги анжуманда биз экологик тарбияга оид билимларимизни намойиш этдик, – дейди ангреник ораста қизлардан бири Дилхўт Эркинова. – Она табиат муҳофазаси, атроф-муҳит тозаллиги учун энг аввал биз ёшлар бурчили-миз. "Энг интизомли орас-та қизлар" номинацияси го-либ сифатида вилояти-миз табиатини, гўзаллигини асраш, атроф-муҳитни тоза, ораста тутишга ас-тойдил ҳаракат қиламиз.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вази-рининг ўринбосари, рес-публика Хотин-қизлар кў-митаси раиси Э. Боситхо-нова сўзга чиқди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси ташаббуси билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари-нинг хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувват-лаш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти: амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳам-да мавжуд муаммолар"

мавзуидаги мулоқотда ви-лоят хотин-қизлар кўмита-си, соғлиқни сақлаш, меҳ-нат, ички ишлар, халқ таъ-лими бошқармалари, вило-ят ҳокимлиги ҳузуридаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хо-димларининг малакасини ошириш" ўқув курси, "Ма-ҳалла" хайрия жамоат фон-

ди вилоят бўлими, Ўзбе-кис-тон мусулмонлар идо-раси вилоят вакиллиги, маҳалла раислари ва улар-нинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалар бўйича масла-хатчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликлари ҳамда қонуний



Соғлом турмуш тарғиботчилари

Ангренада Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида "Қамолот" ЁИХ шаҳар кенгаши томонидан "Соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" республика танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

6 номинация бўйича мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мазкур беллашувга 500 нафардан зиёд ёшлар жалб қилинди. Танлов голиблари соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган энг яхши ижтимоий видео-ролик, энг яхши аудио маҳсулот, энг яхши фо-тосурат, энг яхши расм, амалий санъат, энг яхши интернет ресурс номинациялари бўйича аниқланди.

Зухра АЛИЁРОВА,
"Қамолот" ЁИХ фаоли.

Дийдор азиз

Юқори Чирчиқ туманида "Сизга таъзим, устозлар!" номи тadbир бўлиб ўтди. Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур анжуман устоз ва шогирдларнинг самимий дийдорлашув тadbирига айланиб кетди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмалари туман кенгаши томонидан таълим соҳасида самарали меҳнат қилаётган 115 нафар ўқитувчи ва мураббийларга эсдалик совгалари улашилди, 300 дан зиёд устозларга эса мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит ярати-б берилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

"Юрак ёнсин"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси кўма-гида "Биринчи китобим" лойиҳаси дои-расида ёш ижодкорларнинг илк тўплам-лари бепул нашр этилмоқда.

Эътиборлики, илк машқлари билан катта адабиёт оstonасида турган ижодкорлар орасида вилоятимиз вакиласи Висола Пардабое-ва ҳам бор. Бекобод туманида туғилиб ўсган Висола айни пайтда Тошкент молия институти талабаси. Бироқ, адабиётга, сўзга бўлган му-ҳаббат касб-кор танламайди, аксинча, туйғу-ларни тоблабди, деган гап бежиз айтилмаган. Шоиранинг "Биринчи китобим" сериясида чоп этилган "Юрак ёнсин" деб номланган китоби-ни варақлаш асносида бу ҳақиқат кўнгилнингиз-ни тамомила ишғол этади. Бинобарин, Висо-ланинг гўзал лирик шеърлари, Ватан мадҳида айтган ўтли мисралари ўқувчиларда илиқ таас-сурот қолдиради. Адабиёт даргоҳига дадил қадам ташлаётган вилоятимизнинг яна бир истеъдодли вакиласига: "Парвозинг баланд бўлсин", дея ижодий муваффақият тилаймиз.

Қумуш АБДУСҲАЛИМОВ.

Халқчил дастурлар рўёби

Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғидаги врачлик пунктида Соғлом она ва бола йили муносабати билан давра суҳбати ўтказилди.

Тadbирда истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида қишлоқ жойларида аёллар ва болалар сало-матлигини таъминлаш борасида олиб бори-лган ишлар хусусида сўз борди. Оддий оила-дан то маҳалла, қишлоқ, шаҳар марказларига-ча бўлган аҳолини тўла қамраб олган, ҳар жиҳатдан халқчил дастурлар, соғлиқни сақлаш борасидаги имтиёзлар алоҳида тилга олинди. "Аёл соғлиғи – жамият бойлиғи" деб номлан-ган мазкур тadbир давомида ҳудуддаги аҳоли вакиллари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Зулхумор НУРМАТОВА.



манфаатларини ҳимоя қи-лиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳам-корлиги, жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъ-минлаш, меҳнат шароитла-рини яхшилаш, ҳунар ўрга-тиш ҳамда касаначиликни ривожлантиришда маҳал-ланинг ўрни, шунингдек,

оилалар мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясида жамоат-чилиқнинг роли борасида вилоятда амалга оширил-ган ишлар атрофлича му-ҳокама қилинди.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ТЕЛЕФОНИНГНИ ОЛЧИ, БОЛАКАЙ!

Мобиль телефон яратилган дастлабки пайтларда ундан, асосан, алоқа воситаси сифатида фойдаланиларди. Ўша пайтларда унинг тури, имконияти ва қулайлиги ҳозиргидек қўп ва кенг бўлмаган.

Кейинги йилларда мобиль телефонларнинг имкониятлари ортиб, таъкиллашди боргани сабаб ушбу аппаратга бўлган қизиқиш янада ошди. Бугун бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам бошқа ёшдаги боладан то кекса отахону онахонларгача "сотка"дан фаол фойдаланмоқда. Ким биландир мулоқотда бўлиш – аслида инсон табиятига хос. Мобиль телефон бу жараёни янада фаоллаштирди.

Маълумки, бу алоқа воситаси орқали инсталланган жой ва пайтда оилавий ёки иш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, ундан соат, календарь, калькулятор, фотоаппарат, видеокамера, радио, телевизор, интернет, блокнот сифатида фойдаланиш, об-ҳаво ва валюта курси сингари бошқа қўп зарур маълумотларни билиб олиш, шунингдек, мушқаш эшитиш, турли ўйинлар ўйнаш мумкин.

Ваҳоланки, бир неча йил илгари узоқ тоғли ҳудуддаги қариндошимизга зарур хабарни етказиш учун ўнлаб километр йўл юриш, анча вақт ва маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Бугун эса телефон кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. У орқали нафақат шахару қишлоқларимиздаги, балки мингга километр узоқдаги бизнес ҳамкор, таниш ёки яқинимиз билан тез ва осон хабарлашамиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллионлаб юртдошларимиз мобиль телефонни доимий ҳамроҳига айлантирган. Унинг салмоқли қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади.

Психологларнинг таъкидлашича, ўз мобиль телефонида эга ўқувчилар дарсдан қўп чал

□ Маънавият

ғийди. Фанларни ўзлаштириши сусаяди. Бўш вақтини кўпроқ илм ўрганишга эмас, телефонини "тит-килаш"га кетказиши. Бу ҳам етмагандай тез асабийлашадиган, бефарқ, лоқайд бўлиб қолади.

Ақлий ва жисмоний ривожланишига путур етади. Мобиль телефон орқали тарқалган беҳаёликка, ваҳшийликка ундовчи расм ва тасвирлар уларнинг ҳулқи бузилишига олиб келади. Қолаверса, телефондаги "қаҳрамонлар" бажарган уятсиз ва ёвуз ишларга қўп уришга мойиллик пайдо бўлади.

Мобиль телефоннинг зарари хусусида гап кетганда, мутахассислар у орқали 1-2 дақиқадан ортиқ сўзлашмасликни тавсия этганини таъкидлаш ўринли. Чунки, унда узоқ муддат мулоқотда бўлишнинг инсон саломатлиги учун зарари катта эканлиги исботланган. Яқинда маҳалламиздаги

Дониёр исмли 4-синф ўқувчисининг телефонидаги фоҳишабозлик, қўрқинчли ўйин ва даҳшатли автохалокат тасвири туширилган лавҳаларни кўриб қолдим. У буларни мактабдошининг телефонида кўчириб олганини яширмади. Отаси билан гаплашганимда, у ўғлининг бу эрмагидан беҳабар экан. Тенгдошларидан кам бўлмасин деб, телефон олиб берганини айтди.

Ҳаммамиз ҳам фарзандимиз ўзимиз эришолмаган ютуқ ва марраларни забт этишини, замондан, тенгқурларидан ортда қолмаслигини истаймиз. Бироқ, ушбу жараёндан қўп қўяман деб қўз чиқармаслик даркор. Зурриётимизга мобиль телефон ёки компьютер олиб бергач, ундан қандай мақсадда фойдаланаётганини назорат қилишимиз шарт.

Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардан дур. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясида беэтибор бўлмаслик, уларни мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг, аввало, ота-оналарнинг бурчидир.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

□ Саломат бўлинг!

Қутуриш – ўткир кечадиган юқумли касаллик. У марказий асаб тизимини оғир шикастлайди. Беморда фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди.

Табиатда қутуриш вирусини ит ва итсимонлар оиласига кирувчи бўри, тулки, чиябўриллар тарқатади. Лекин, сигир, от, қўй, эчки, чўчка, мушук ва кемирувчилар, шунингдек, кўршалаклар ҳам юқтириши мумкин. Хасталик қутурган ҳайвон тишлаганда, терининг тирналган, кесилган жойларига ёки қўз, бурун шиллиқ пардаларига сўлаги тушганда, териси шилинаётганда, ҳатто, сўлак теккан жисмларга сўйналганда ҳам юқиши кузатилади.

Юқорида кўрсатилган йўллар билан юққан вирус, аввало, асаб тизими атрофидаги суюқлик оқими бўйлаб, бош ва орқа миёга етиб бориб, кўпаяди ҳамда миё хужайраларини зарарлайди. У ердан бошқа органлар ва сўлак безларига етиб келади, сўлак билан бирга ажрала бошлайди. Ит тишлаган жой марказий асаб тизимига қанчалик яқин бўлса, яширин давр шунчалик қисқа ва бемор учун хавф юқори бўлади. Демак, бош, бўйин, қўл панжалари тишланганда касаллик жуда тез ривожланади.

Касалликнинг бошланғич даврида ҳайвон тишлаган жой ачишади, лўқиллаб оғрийди, бемор тушқунликка тушади, уйқусизликка учрайди, иштаҳаси йўқолади, нафас олиши ва юрак уриши бузилади, тана ҳарорати кўтарила бошлайди ва касалликнинг иккинчи – қўзғалиш даври бошланади. Бу даврда, бемор жуда безовта бўлади ва ютиниши қийинлашади, ташналикдан азоб чекади, пиёладаги сувга очкўз-

ВАФОСИ БОР, АММО ЖАФОСИ ЁМОН



лик билан ёпишади, бироқ, ичмоқчи бўлганда, тўсатдан пиёлани улоқтириб юборади. Беморнинг кўзлари чақчайиб кетади, сувдан, шамолдан қўрқадиган бўлиб қолади, тез ва қисқа-қисқа нафас олади. Бу даврда беморда жуда қўп сўлак ажралиши кузатилади.

Қўзғалиш ҳолатидан ўтган беморларда фалажланиш бошланади. Одатда, оёқлар чала фалаж бўлади, кейинчалик қўллар фалажланади, бемор қимирламай ётиб қолади. Охир-оқибат юрак ҳамда нафас мушкуллари фалажланишидан ҳалок бўлади.

Қутуришни даволашнинг самарали усули ҳозирча топилгани йўқ. Шундай экан, бу хавфли касалликка дучор бўлмаслик учун нима-ларга эътибор бериш керак?

Аввало, ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод эритмасини суртиш, кейин стерилланган тоза бинт билан боғлаб, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Ўз вақтида ва мунтазам эмлаш беморни ўлимдан сақлаб қолишнинг бирдан-бир воситасидир.

Эмлаш тартибини бузиш, бош торттиш қатъиян ман этилади. Эмлаш вақтларида киши қаттиқ чарчаш ва ўта совуқдан

сақланиши керак. Эмлаш тугагандан сўнг, қутурган ҳайвонлар тишлаган, сурункали бошқа касали бор кишилар, эмлаш давомида ва ундан кейин (1 йил мобайнида) тасодифан бошқа касалликлар билан оғриган ва ниҳоят, эмлаш тартибини бузган кишилар бир йил давомида назоратда туришлари шарт. Бу вақт ичида 3 марта (3, 6 ва 12 ойда) шифокор қабулида бўлиб, унинг кўр-

сатмасига амал қилиш зарур.

Қутуришга қарши кураш фақат тиббиёт ходимларининг иши бўлмай, ҳар бир фуқаро ўз бурчини ҳис этиши керак. Аввало, уйларида боқадиган итларини белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда сақлашлари лозим. Уларни кўчага бебошвоқ қўйиб юбориш қатъиян ман этилади. Ўйнатиш учун кўчага олиб чиққанда, оғзига махсус бурундик тақиб, калта чилвирда ушлаш тавсия этилади.

Вилоятда ҳар йили мингдан ортиқ кишилар ҳайвон, асосан ит тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қутуришга қарши чоралар кўриш учун катта маблағ сарфланмоқда. Ўлимга олиб борадиган бу хавфли касалликнинг олдини олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Улардан фойдаланишда ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши зарур.

Унутманг, қутуриш жуда хавфли касаллик. Шу боис, такрор оғоҳлантирамиз, унинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли зудлик билан мутахассис-шифокорга мурожаат этиш ва қутуришга қарши эмлаш вакциналарини қабул қилиш ва даволаштириш.

Умбирбек МИРЗАЕВ,
вилоят ДСЭНМ бўлими,
олий тоифали
врач-эпидемиолог.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти адлия бошқармаси "Ишонч телефон"лари

253-84-77, 200-84-77, 280-50-96

"Ишонч телефон"ларига

душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 га қадар мурожаат қилишингиз мумкин (тушлик соат 13.00-14.00 гача)

Тошкент вилояти адлия бошқармаси раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш кунлари бўйича ЖАДВАЛ

Лавозими	Ф.И.О.	Қабул кун	Қабул вақти (соат)
Бошқарма бошлиғи	Мусасайхов Лазиз Туяганович	Ҳафтанинг ҳар чоршанба ва ҳар ойнинг иккинчи жума кун	9.00 дан 12.00 гача
Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари	Саттаров Салоҳиддин Улугбекович	Ҳафтанинг ҳар сешанба ва ҳар ойнинг биринчи жума кун	12.00 дан 18.00 гача
Бошқарма бошлиғи ўринбосари	Сарабеков Аъзамжон Абдукадирович	Ҳафтанинг ҳар душанба кун	9.00 дан 12.00 гача

Изоҳ: бошқарма раҳбарияти меҳнат таътили ёки бошқа узрли сабабларга кўра ишда бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ўриндошлик асосида амалга оширилади.

«ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ» ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки раҳбар ходими иштирокида Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Очиқ мулоқот кун" ўтказилишини маълум қилади.

Бунда Сиз банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиб, Сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳатлар ва амалий ёрдам берилади.

"ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ"НИ ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ

Т/р	Туман/шаҳар номи	Худуд номи	Ўтказиш санаси	Ўтказилиш вақти
1.	Оҳангарон	Банк биноси	05.10.2016	соат 10.00
2.	Худудий	Банк биноси	05.10.2016	соат 15.00
3.	Оққўрғон	Банк биноси	06.10.2016	соат 10.00
4.	Бўқа	Банк биноси	06.10.2016	соат 15.00
5.	Бекобод	Банк биноси	07.10.2016	соат 10.00
6.	Пискент	Банк биноси	07.10.2016	соат 15.00
7.	Қуйи Чирчиқ	Банк биноси	10.10.2016	соат 10.00
8.	Ўрта Чирчиқ	Банк биноси	10.10.2016	соат 15.00
9.	Чиноз	Банк биноси	11.10.2016	соат 10.00
10.	Юқори Чирчиқ	Банк биноси	11.10.2016	соат 15.00
11.	Паркент	Банк биноси	12.10.2016	соат 10.00
12.	Янгийўл	Банк биноси	12.10.2016	соат 15.00

Маълумот учун тел.: 244-09-82.

Дикқат, эълон!

"Ўзбекэнерго" АЖнинг "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" акциядорлик жамияти куйидаги линия назоратчиси лавозимларига фуқароларни ишга қабул қилади!

**"Янгийўл шаҳар электр таъминоти корхонаси"га – 29 нафар;
"Юқори Чирчиқ тумани электр таъминоти корхонаси"га – 13 нафар.**

Ишга қабул қилиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ кадрларни бошқариш бўлимига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади);
5. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
6. Яшаш манзилдан маълумотнома;
7. Охирги иш ёки ўқиш жойидан бе-

рилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;

8. 3x4 шаклидаги 4 дона расм.
"Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖнинг куйи тизимларида мавжуд бўш ўринларга ёши 20 дан 45 гача, маълумоти ўрта ёки ўрта махсус бўлган, Тошкент шаҳри ёки вилоятда доимий рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишга қабул қилинади.

Ишга киришни хоҳловчи фуқаролар "Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" АЖга мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Телефон: 150-27-94.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига:
I. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Суд ижро-чилари бўлими томонидан:

2014 йил 17 июль кундаги 3549-сонли ва 2015 йил 23 март кундаги 1-2250-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўғривиз қўргони, 2-й манзилида жойлашган, участканинг умумий майдони 752,0 кв.м., қурилиш ости майдони 203,71 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 87,87 кв.м., яшаш майдони 58,80 кв.м. бўлган "тузрак" биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 90 330 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 октябрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Қиррай тумани СИБ томонидан: 2016 йил 4 март кундаги 11-1509/10209-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудда жойлашган, участканинг умумий майдони 2507,83 кв.м.дан иборат бўлган "инкубатор ва ем сақлаш омбороналари бино ва иншоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 210 585 420 сўм.

III. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ то-

монидан: 2016 йил 10 август кундаги 1-332/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалоқ ҚФЙ, Учбоз қишлоғи ҳудудда жойлашган, умумий ер майдони 0,362 Га, умумий қурилиш ости майдони 649,36 кв.м., умумий фойдаланиш майдони: 504,40 кв.м.дан иборат бўлган "қўй-қўра бино ва иншоотлари" савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 482 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 ноябрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 24 октябрь кун) ўтказиладиган савдоларга 21 октябрь соат 16.00 гача; 8 ноябрь кун) ўтказиладиган савдоларга 4 ноябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган қўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгор-

лар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган за-калат келишувга асо-сан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи-дан кам бўлмаган миқ-дорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" банкнинг Мир-обод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақами-га тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион сав-доси ўтказиладиган ман-зил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эгаларида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжалик-лари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўлов-чилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томони-дан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш мuddати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ сум-масига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарз-дорлик Суд тартибидида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечик-тирмай тўлашни унутманг!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ.

O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши партиянинг Оҳангарон тумани кенгаши райси Шавкат Комиловга падари буз-руквори

ЭСОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Бобомнинг бир гапи доим эсимда туради: "Инсон меҳнат қилганида чинакамга яшайди. Олга интилиб ҳаракат қилганида, мақсади, орзуи бўлганидагина ҳаётнинг асл моҳиятини ҳис қила олади".

Эсимни танибманки, бобом ҳар кун ҳовлимиз томонидан хабар олади. Катта лавозимларда ишлаб, давлатимизнинг турли орденомдаллари билан тақдирланган кунларида ҳам қўлга кетмон олиб, томорқага киришни қанда қўлмаган. "Ер – мўъжиза" – бобом шу гапни кўп такрорлайдилар. Ўзимча: "Ернинг нимаси мўъжиза? Оддий ер, ҳолос", дейман. Ҳа, ахир мен – бугунги нурафшон куннинг фарзанди – қачонлардир ўша бир қарич ер одамларнинг ёлғиз боқувчиси бўлганини қайдан ҳам тасаввур қила олардим?

Бобомнинг отаси ҳайдовчи бўлган. Холмирзажон ота ҳалол меҳнат қилиб, оила боққан. Аммо, турмушининг ночорлигидан азият чекади. Фарзандлари онаси ёпадиган хижимдеккина кулчани таллашини кўриб, уларга мазали егуликлар олиб бергиси келади. Шунда бобомнинг отаси ҳовли томорқасига ҳар хил мева даракларини

экиб, чинакам боғ яради. Ҳовлининг бир парчасига қанча ҳам дархт ситарди, дерсиз. Лекин, шуни ҳам кўп кўрганлар топилади. "Қизил" амалдор келиб жанжал кўтаради. Ҳар бир дархт учун давлат

яна келади ва сўнгги дархтнинг илдизига ҳам болта тушади...

...Ўтган куз кечпишар олмамиз мўл ҳосил берди, дархт шохлари "юк"ларининг оғирлигидан синай дерди. Укам шох-қалоқ-да, томорқага ки-

тайёрлаш учун нариги маҳаллада яшайдиган дўстининг уйига китоб сўраб борадиган бўлибди. Охир-оқибат, ўша синфдошнинг онаси ҳар кун эшик қоқиб келадиган боладан бе-зиб, ўғлига китоб бе-

олибди... "Бир кун минг кун эмас-ку, бобо, ўша ёмғир ёққан кун дарс тайёрлашингиз шарт эдим, эртасига ҳам кун бор эди-ку?" дедим. "Йўқ, қизим, инсон ҳар кун нимадир ўрганиши шарт. Бугун бир қадам олдинга юрмасанг, эртага икки қадам орқага кетиб қоласан".

...Ўйимиздан анча узоқда жойлашган лицейга қабул қилинганда бобом мени олиб кетиш учун келар эди. Машгулотлар тугагач, гоҳ у дугонам, гоҳ бу дугонам суҳбатга тортиб қолади. Шошилмай лицейдан чиқаман. Бобом эса кутади. Ҳеч қачон куттирганим учун қоймайди. Бугун ўша соатларни бегона одамларга сарфлаганим учун афсусланаман.

Тенгдошим, биламан, сен ҳам мен каби вақтинги дўстларинг билан ўтказишни яхши кўрасан, сенинг ҳам ўз қизиқишларинг бор. Лекин, сени ҳаммадан ортиқ ардоқлайдиган бобонг-бўвинг ганимат эканини унутма. Улардан вақтинги, эътиборинг, меҳрингиз қизганма. Ахир, улар сендан ҳеч нарсани қизганишмайди, ҳатто жонларини ҳам...

Меҳларойим
ҚАЮМОВА,
Қибрай тумани.

Туйғу

БОҒИНГИЗ БОЛ БЕРДИ, БОБОЖОН

Шундай одамлар борки, ўзи учун эмас, ўзгалар учун яшайди. Ўзининг ташвиши қолиб, бошқаларнинг муаммолари ҳақида ўйлайди. Бобом ана шундайлар тоифасидан.

га солиқ тўлаш шартлиги, ҳаттоки бу ҳақида "зақун"да ҳам ёзиб қўйилганини айтади. Нақ 60 сўм! Бобомнинг отаси: "Ўзим ўзимнинг ҳовлимга эккан дархт-тимдан ҳам солиқ тўлайми?" дейдию болта кўтариб, дархтларни бирма-бир қолиб ташлайверади. Ҳовлининг бир четиди биттагина дархт қолганида бобомнинг онаси жон-ҳолатда эрининг оёқларига ўзини уради: "Ўти-наман, жон дадаси, биттагина дархтни сақлаб қолинг. Ёз чиласи кираяпти, болаларим соясида ўйнашади. Илтимос, шунисига болта урманг!". Совет мансабдори эртаси кун

риб, пишган-пишмаган аралаш бир челақ олматериб чиқибди. Мевага маза кириб улгурмаган экан. "Нордон экан-ку!" деди-да укам тишлаган олмасини отиб юборди. Бобом унда қаттиқ танбеҳ берди. "Биттагина олма-я. Егиси келмаса, увол бўлди дегани эмас-ку". Бобом ўшанда кўзимга ҳаддан зиёд тежамкор одам бўлиб кўринган...

"Уволдан қўрқ!" – ярим пиёла чойга бир пиёла шаккар – солиб, "меҳмон-меҳмон" ўйнаган жинимдан бобом қаттиқ хафа бўлган эди. Бир чимдим шакарнинг қадри шунчаликми?..

Бобомнинг туғилишига икки ой қолгани-



лашга аҳд қилибди. Ахир, уйда қолган аёли, фарзандлари бор – улар шакар емаганига қанча бўлди? Урушда ярадор бўлиб, уйга қайтганида халтачадаги шакар нақ икки килограмм чиқибди...

Бобом тўртинчи синфга ўтганида китоб сотиб олишга пул топилабди. Шунда ҳар кун уй вазифасини

ришни таққиллаб қўйибди. Боланинг дўстига раҳми келиб, ҳийла ўйлаб топибди. Бобомни дераза олдида чақирибди. Китобни очиб, ойнага тираб қўйибди. Аксига олиб шаррос ёмғир қўйиб юборибди. Бобом эса ёмғир ва совуққа қарамасдан дераза олдида туриб, уй вазифасини дафтарга бир амаллаб ёзиб

давомида фақат ахлоқ-одоб, маънавий-маърифий мавзуларда фикр-мулоҳазалар юртилишига қафолат бормикин?

Тўғри, улфатчилик, шинавандалик хос. Аммо, муборак Ҳаж амалининг шукронасини улфатчиликка айлантириш ақлданмикин? Боз устига "ҳож

бува"ларимиз ушбу масала ечими хусусида обдон ўйлаб кўриб, оқилона тўхтамга келиш ўрнига, Ҳаж ва умра сафаридан қайтгач "ҳож

оши" дея аталаётган норасмий маросимни одатга айлантириб юбормоқдалар. Бу керакмас даб-даба, ортиқча кибр эмасми?

Ҳар йили Ҳаж ибодатини адо этиб келадиган юртдошларимиз шулар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Абдусамид
Йўлдошев.



ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕСКОП

Хитойда дунёдаги энг йирик FAST радиотелескопини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Худуди 30 та футбол майдонига тенг келадиган телескоп курилиши Хитойнинг жануби-ғарбидаги Гуйчжоу провинцияси тоғларида 2011 йилнинг март ойида бошланган эди. Телескоп диаметри 500 метрни ташкил қилади. Тузилма периметри 1,6 километрга тенг. Ло-йишага қиритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 1,2 миллиард юань (тахминан 180 миллион доллар)га баҳоланмоқда.

Ўтган якшанбада телескоп учун 30 тоннали ёриткиччи ўрнатиш ишлари якунланди. У қурилма юзасидан 130 метр баландликда жойлашган. Ёриткичдан радиотўқинларни тўплаш ҳамда

сигнални кучайтиришда фойдаланилади.

Ушбу телескоп дунёдаги энг тез компьютерлардан бири Sky Eye 1'га уланган ҳолда фаолият юритади. Телескопни ишга туширишдан асосий мақсад – бошқа сайёраларда ҳаёт бор-йўқлигини ўрганиш.



"ДАСТЁР АРАВАЧА"

"Smartbe" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган болалар аравачасини қўлда бошқариб юриш шарт эмас.

Уни android ёки iOS операцион тизимидеги смартфон ёки "ақли" соатлар билан боғлаб қўйсангиз киёф. Ана шунда у сиз билан ёнма-ён, қадам ташлашингизга, йўналишингизга қараб ҳаракатланади.

Мақкур болалар аравачасига махсус камера ўрнатилган бўлиб, у фойдаланувчига смартфон экранидан кичкин-тойини назорат қилиш имконини беради. Аравача ичига ўрнатилган микрофон эса боланинг овозини эшитишда қўл келади. Бундан ташқари,

аравача ёнида сигнал чироқлари ва бошқарув пульта ҳам мавжуд. Аравачанинг тўла қуввати беш-олти соатга етади.



ТУЗ – ХАВФЛИ МАҲСУЛОТ

Австралиялик мутахассислар ўтказилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишди. Уларнинг айтишича, туз юрак-қон томир тизимига салбий таъсир этади.

Олимларнинг таъкидлашича, ортиқча туз қон босимини оширади. Натижада, мияга қон қўйилиши ва юрак ҳужайра каби нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бўй-рак фаолиятининг бузилиши, семирish каби хасталиклар ҳам айнан кўп туз истеъмоли билан боғлиқ. Шунингдек, туз танада ҳолестерини микдорининг ортишига сабаб бўлади.

Тез тайёрланадиган лағмонларга мўлжалланган тузлар

соғлиқ учун энг хавфли ҳисобланади. Унда кунлик эҳтиёждан 80 фоиз кўп туз мавжуд.

Фирдавс
РАВШАНОВ
тайёрлади.



Моҳият

Бир одам Сукротдан сўрайди:
– Уйланмоқчиман. Нима маслаҳат берасан?
– Сен ҳам балиққа ўхшаб қолмаган. Балиқ қармоққа илинганда озод бўлгиси келиб типирчилайди, озодликда эса яна қармоққа интилади.

Альберт Эйнштейннинг хотинидан сўрашади:
– Сиз Эйнштейннинг ниобийлик назариясини биласизми?

– Унчалик эмас, – тан олади аёл. – Аммо, дунёда ҳеч ким Эйнштейнни менчалик яхши билмайди.

Кунлардан бир кун Наполеон жавоннинг оқори тоқасидан китоб олишга бўйи етмай қўйналиб қолибди.

– Рухсат беринг, жаноб олийлари, ёрдамлашворай, ҳар ҳолда Сиздан баландроқман, – дебди ёнида турган маршаллардан бири.

Наполеон шундай жавоб қилибди:

– Йўқ, сиз мендан баланд эмассиз, узунроқсиз, ҳолос.

Вена қўчаларида бир гадоий Моцартдан сада сўрайди. Моцарт унга бир нима бермоқчи бўлиб чўнтагини қараса, пули йўқ экан. Шунда у гадоийдан кўтиб турлини сўрайди ва бир неча лаҳзада менуэт ёзиб беради. Кейин асарига хат илова қилиб, гадоийга узатади ва ноширга учрашини маслаҳат беради.

Гадоий ишонқирамай ноширга учрайди. Ношир халиги асар учун мўмайгина пул берганда гадоий ҳайратдан лол қолади.

Одамийлик шеваси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг "Олим бўлиш... кийин" китобида ҳикоя қилишича, валийлардан бири шайх Самадоний Боязид Бистомий Ҳаж сафарига отланиб, ҳар қадамга икки ракатдан намоз ўқиб, ўн икки йил деганда, Каъбага етиб борибди. Аммо, "лойиқ эмасман" деган андиша билан Каъбага кирмай, орқага қайтибди.

Бу – камтарлигу камсукумлигининг олий намунаси, албатта. Бугун давлатимиз яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, Ҳаж ва умра ибодатларини эмин-эркин адо этиб келадиган оддий юртдошларимиз орасида, шу даражада камсукум бўлмаса-да, ҳар ҳолда андишалари кўп. Мен шундайлардан бирини шахсан биламан. Тўғрироғи, у ўзимнинг узоқ йиллик қадрдон дўстим Бехзод.

Мустақиллик шарофати билан эр-хотин Ҳаж сафарига бўлиб қайтишди. Қишлоқдаги кенг ҳовлисида бутун

қариндош-уруғлари билан кутиб олди. Кўни-қўшни, маҳалла-қўй дегандек, ҳамма улар билан тезроқ кўришишга ошиқади.

Шу жараёнда дўстимнинг узоқроқ қариндошларидан бири бўлса керак, барваста йигит қучоқ очиб:

– Зиёратлар қабул, ҳож

Узига етгунча ҳақгүй, ўжар дўстим қариндошини бағрига босиш ўрнига, уни ўзидан нари суриб, деди:

– Ҳаммангиз яхши-лаб эшитиб олинглар, Ҳаж сафари ибодат ҳолос, мен шу фарзимни

адо этдим. Ниятим ижобат бўлдим-бўлмадим, бу ёлғиз Яратганининг ўзига аён. Шундай экан, мен сизлар-

га "ҳож

Дўстимнинг бу гапини эшитиб, одамийлик шунчалик бўлади-да, деган фикр ўтди хаёлимдан. Шундан кейин ҳам қишлоғимиздан уч-тўрт киши Ҳаж амалини адо этиб келди. Аммо, улар камтаринлик у ёқда турсин, "ҳож

бува" каби мулозаматлардан ҳамон учиб-қўниб юришибди. Буниси ҳам ҳолва экан. Кейинчалик улар одам ажратадиган одат чиқаришди. Ўзбекнинг нимаси кўп – тўю эҳсони кўп. Шун-

лашиб, қучоқ кўришади-лар. Оддий маҳалладошларига қўл учини узатишади.

Яна бир хунук одат. Мадинаи мунавварани зиёрат қилиб келган айримлар "ҳожилар гапи"ни ташкил этдилар. Икки ҳафта ёки ойда бир марта аввалдан белгиланган чойхонада тўпланишиб, уч-тўрт соат давомида икки-уч хил таом тайёрлатиб

еб, гап-гаштакни авжига чиқаришади. Қарангки, бу уларнинг фикрича, шаръий зиёфат эмиш. Аммо, аслида гап-гаштак деб аталувчи бу улфатчилик

давомида фақат ахлоқ-одоб, маънавий-маърифий мавзуларда фикр-мулоҳазалар юртилишига қафолат бормикин?

Ҳар йили Ҳаж ибодатини адо этиб келадиган юртдошларимиз шулар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Абдусамид
Йўлдошев.

Спорт хабарлари

САМБО. Вьетнамнинг Дананг шаҳрида ўтказилган V Осиё соҳил ўйинларида самбочиларимиз битта олтин ва учта бронза медалини қўлга киритди.

Эрақлар ўртасида вази 90 килограммгача бўлган самбочилар баҳсида Илҳомжон Йўлдошев барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой



олди. Ўз вази тоифасида Ис-там Қудратов, хотин-қизлар ўртасида Маликабону Мирзаева ва Санойим Эркинбоева учинчи ўринни эгаллади. Аввал хабар берганимиздек,

V Осиё соҳил ўйинларининг кураш бўйича беллашувларида Миржон Тўхтаев ва Сухроб Худойбердиев олтин, Муҳаммадали Шамсиддинов кумуш медал билан тақдирланган эди.



ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Ўзбекистонлик ёш курашчилар Россияда ўтган халқаро турнирда учта бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясидан маълум қилинишича, халқаро турнирда 300 га яқин юнон-рум курашчи қолиблик учун баҳслашган. Полвонларимиздан

Жалғас Бердимуродов, Илҳом Бахромов ва Эрмат Шерматов ўз вази тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

Б. АЙТМУРДОВ,
Ўза мухбири.

ЭЛЕКТР ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлгани каби, бизнинг туманда ҳам бунёдкорлик ишлари авжида. Янги ишлаб чиқариш объектлари, турли тармоқ ва йўналишлардаги муассасалар ишга тушмоқда. Айниқса, замонавий лойиҳа асосидаги икки ва уч қаватли турарқой биноларининг биринчи қаватида хизмат кўрсатиш инфратузилмалари жадал қўлайиб бормоқда.

Мутахассис оғохлантиради

Тураржойларнинг кенгайиши, янги турдаги электр рўзгор буюмларининг қўлайиши натижасида, шунингдек, жойларда янги қурилаган, таъмирланаётган ва техник қайта жиҳозланаётган объектларда электр таъминотига эҳтиёж ортади. Бу ўз-ўзидан трансформатор нимстанцияларида ортиқча юкланишни келтириб чиқаради.

Туманимиздаги аҳоли уй-жойлари, иқтисодий тармоқлари ҳудудларидаги трансформаторлар ўтган асрнинг 50-60-йилларида ўрнатилган, таъмирланаётган ва техник қайта жиҳозланаётган объектларда электр таъминотига эҳтиёж ортади. Бу ўз-ўзидан трансформатор нимстанцияларида ортиқча юкланишни келтириб чиқаради.

Тўйтепа шаҳрининг Тошкент йўли кўчасидаги электр сим-ёғочи, йўнғиққали қишлоғи ва Мустақиллик кўчасида трансформатор нимстанцияларида қисқа туташувлар содир бўлди.

Бундай ҳолатларнинг юз бермаслиги учун барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмаслигимиз лозим. Ишлатилмаётган электр жиҳозларини тармоқдан узиб қўйиш, бир вақтларни ўзида бир неча жиҳозларни тармоққа уламаслик, куз-қишнинг совуқ кунларида турли исиштиш мосламалари ва электр ускуналарида фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шерали АҚРОМОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани ИИБ
БХБ бошлиғи.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маълумоти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Хисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусаввир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ